

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.V.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОМУРОДОВ ЗОКИР АБДУҚАХХОРОВИЧ

**САНГЗОР ДАРЁСИ ИККИПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ БИОХИЛМА-
ХИЛЛИГИГА АБИОТИК ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

03.00.10–Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобомуродов Зокир Абдуқаххорович

Сангзор дарёси иккипаллали моллюскалари биохилма-хиллигига
абиотик ва антропоген омиллар таъсири..... **3**

Бобомуродов Зокир Абдуқаххорович

Влияние абиотических и антропогенных факторов на биоразнообразие
двустворчатых моллюсков реки Сангзор..... **21**

Bomomurodov Zokir Abdukakhkhorovich

The influence of abiotic and anthropogen factors on the biodiversity of the
sangzor River dual mollusks..... **39**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ **42**
List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОМУРОДОВ ЗОКИР АБДУҚАХХОРОВИЧ

**САНГЗОР ДАРЁСИ ИККИПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ БИОХИЛМА-
ХИЛЛИГИГА АБИОТИК ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

03.00.10–Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

Биология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/B560 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимжанова Холисхон
биология фанлари доктори, профессор

Махмуджонов Зафаржон Мурод ўғли
биология фанлари фалсафа доктори PhD

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил “10” сентябр куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Галабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Экология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871) 246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: +99871 246-67-72).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» август куни тарқатилди.
(2022 йил «12» августдаги 10 рақамли реестр баённомаси)

Раҳимова Тура

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси
в.б., биология фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, биология фанлари номзоди, доцент

Раҳимова Ташханим Тўймухамедовна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда курғоқчиликнинг кучайиши табиий сув ҳавзалари биологик хилма-хиллигининг қисқариши ҳамда сув экотизимларининг инқирозига сабаб бўлмоқда. Табиий сув ҳавзаларида тарихан шаклланган малакафауна вакиллари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, антропоген ва техноген омиллар таъсирида улар биотопларининг ўзгариши моллюскалар ноёб турларининг йўқолиши ёки фаунаси трансформациясини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан, антропоген таъсир худудидаги малакафауна популяцияларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва муҳофазага муҳтож турларини сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда абиотик ва антропоген таъсирларга берилувчан макрозообентос вакиллари сифатида моллюскаларнинг тур таркибини аниқлаш, тарқалишини баҳолаш ва ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, континентал сув экотизимларидаги моллюска турлари инвентаризацияланди, уларни рўйхатга олишнинг халқаро маълумотлар базасини яратиш, курғоқчил худудлардаги йирик сув ҳавзаларида тарихан шаклланган иккипаллали моллюска турларининг яшовчанлиги дарё сувларининг мавсумий гидрологик режими ва физик-кимёвий хусусиятлари аниқлаш, турғун бўлмаган сув ҳавзаларида тарқалган малакафауна тур таркибининг ўзгариши, аксарият турларининг йўқолиши ва худуд учун хос бўлмаган янги мослашган инвазив вакиллари ареалини кенгайтириш, сув экотизимларида иккипаллали моллюска турларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, инқирозга мойил жамоалари популяцияларини аниқлаш, иқтисодий аҳамиятга молик турларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада, жумладан, континентал сув экотизимларидаги моллюска турлари инвентаризацияланди, уларни рўйхатга олишнинг халқаро маълумотлар базаси яратилди, иқтисодий самарадор турлари ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этилди. Айтиш лозимки, курғоқчил худудлардаги йирик сув ҳавзаларида тарихан шаклланган иккипаллали моллюска турларининг яшовчанлиги дарё сувларининг мавсумий гидрологик режими ва физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгаришига айнақса боғлиқдир. Кейинги йилларда, дарёлар тўйиниш манбаи хажмининг қисқариши, сунъий сув экотизимларининг яратилиши ва қишлоқ ҳўжалигининг кенгайиши мавсумий ёки турғун бўлмаган сув ҳавзаларида тарқалган малакафауна тур таркибининг ўзгариши, аксарият турларининг йўқолиши ва худуд учун хос бўлмаган янги мослашган инвазив вакиллари ареалини кенгайишини таъминламоқда. Таъкидлаш лозимки, инсон омили таъсирида сув ҳавзаларига янги иккипаллали моллюска турларини тасодифан кириб келиши тарихан шаклланган малакафауна жамоаларининг трансформациясини ёки уларнинг инқирозини белгилаб бермоқда. Шунга кўра, сув экотизимларида иккипаллали моллюска турларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, инқирозга мойил жамоалари популяцияларини аниқлаш, иқтисодий аҳамиятга молик турларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва

ресурсларидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, сув ҳавзаларининг гидробионтлар тур таркиби аниқланди, улар ҳолатига таъсир этувчи омиллар баҳоланди, самарадор турлари ишлаб чиқаришга жалб этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ “ ... 79-мақсад: Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.” Бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Сангзор дарёси иккипаллали моллюскалари хилма-хиллигига абиотик ва антропоген омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда камёб турларини муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Икки паллали моллюскаларнинг систематикаси, экологияси ва улардан фойдаланиш бўйича хорижлик олимлар E.Froufe, D.V.Goncalves, A.Teixeira, R.Sousa, H.James, C.Alanp, M.Huber, A.Bogan; H.Maria, D.Graf, K.Cummings, O.Klishko, M.Lopes-Lima, E.Froufe, L.Vasiliev тадқиқотлар олиб боришган.

МДХ мамлакатларида икки паллали моллюскаларнинг ҳудудий хилма-хиллиги, таксономик тузилиши ва улардаги ўзгарувчанлик белгиларини аниқлаш бўйича V.V.Bogatov, Ya.I.Starobogatov (2004), V.V.Bogatov (2014), Н.И. Андреев ва бошқ. (2009) популяциялари ҳолатини баҳолаш ва глобал инвазион турларининг тарқалиши Г.П.Алёхина ва бошқ.(2007), V.F.Panov et. al. (2009), М.О.Сон (2009), Л.Н.Янович (2013); икки паллали моллюскаларни сувни ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги аҳамияти бўйича тадқиқотлар А.Л.Рижинашвили (2009), А.В.Синтюрина, А.Б.Бигалиев (2009), Д.В.Кузменкин (2015) ишларида кўриш мумкин.

Республикамизда икки паллали моллюскаларнинг турли сув ҳавзаларида тарқалиши, морфологияси ва ресурсларига оид маълумотлар етарли эмаслигини айтиш мумкин. Бу ҳақидаги маълумотлар фақатгина З.И.Иззатуллаев (1992), Х.Т.Боймуродов (2009) тадқиқотларида ўз аксини топган бўлиб, уларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон айрим сув ҳавзаларидаги маълум турлар тўғрисидаги маълумотларнигина учратиш мумкин.

Юқоридаги адабиёт манбалари республиканинг локал сув ҳавзаларидаги, жумладан, Сангзордарё ҳавзасидаги *Unionidae*, *Corbiculidae*, *Pisididae* ва *Euglissidae* оилалари моллюскаларининг тур таркиби, уларнинг тарқалишига абиотик омилларнинг таъсири бўйича етарли хулосаларни бера олмайди. Шунга кўра, Сангзордарё соҳилининг сув экотизимларида учрайдиган икки паллали моллюскаларни инвентаризация қилиш, уларнинг сув ҳавзаларида тарқалишига абиотик ва антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш ва истиқболли турларини амалиётга жорий қилиш йўллари асослаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 9.0.11 “Ўзбекистон катта икки паллали моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги ва улардан марварид етиштириш технологиялари” (2009-2011) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда “Самарқанд давлат университетининг 2017-2030 йилларда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлари” дастури доирасида (2014-2020) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сангзор дарёси иккипаллали (*Bivalvia: Unionidae*, *Corbiculidae*, *Pisididae* ва *Euglissidae*) моллюскалари хилма-хиллигига абиотик ва антропоген омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда камёб турларини муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сангзордарёси соҳили *Bivalvia* синфи *Unionidae*, *Pisididae*, *Euglissidae* ва *Corbiculidae* оиласи иккипаллали моллюскаларининг турлари таркибини ўрганиш;

иккипаллали моллюскаларнинг турлар таркиби ва уларнинг биотопларда тарқалиши ҳамда зичлигига сувнинг ҳарорати, тиниқлиги ҳамда оқим тезлигининг таъсирини таҳлил қилиш;

иккипаллали моллюскалар популяциялари ҳолатига антропоген омиллар таъсирини ўрганиш;

дарё сувларининг гидрокимёвий кўрсаткичларининг икки паллали моллюскалар ёши, биомассаси ва чиғаноқларининг ўзгарувчанлигига таъсирини аниқлаш;

икки паллали моллюскаларни сув ҳавзаларининг табиий радиоактивлигини аниқлашдаги ўрнини баҳолаш;

иккипаллали моллюскаларнинг камёб ва эндем турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сангзор дарёси соҳили сув экотизимларида тарқалган *Bivalvia* синфи *Unionidae*, *Corbiculidae*, *Pisididae* ва *Euglissidae* оилаларининг 17 тури ва 2 кенжа тури олинган.

Тадқиқотнинг предмети Сангзор дарёси соҳили сув экотизимлари, икки

паллали моллюскалар турлар таркиби, популяцияларига абиотик ва антропоген омилларнинг таъсири, камёб ва эндем турлари муҳофазаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда малакологик, экологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Сангзордарёси соҳили сув экотизимларида тақалган *Bivalvia* синфи *Unionidae*, *Euglisidae*, *Pisididae* ва *Corbiculidae* оилаларига мансуб икки паллали моллюскаларнинг 17 тур ва 2 та кенжа турлардан иборат фаунаси аниқланган;

икки паллали моллюскаларнинг турли сув экотизимларидаги экологик гуруҳлари ва популяцияларининг тақсимланиш хусусиятлари очиб берилган;

икки паллали моллюскаларнинг турли типдаги сув ҳавзаларида тарқалишига сув физик кўрсаткичларининг таъсири асосланган;

сув сифат кўрсаткичларининг иккипаллали моллюскалар ёши, биомассаси ва чиғаноқларининг ўзгарувчанлигига таъсири баҳоланган.

икки паллали моллюскаларнинг сув ҳавзалари радиоактивлигини аниқлашдаги имкониятлари баҳоланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сангзордарёси соҳили сув типларида тарқалган эндем ва ноёб тур сифатида Қизил китобга киритилган *Colletopterum bactrianum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Corbicula cor*, *Corbicula fluminalis*, *Corbicula purpurea* лар популяциялари аниқланган ва уларни муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилган;

икки паллали моллюскаларнинг сапроблиги аниқланган ва уларнинг сув ҳавзаларидаги индикаторлик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган малакологик ва гидрологик усул ва ёндошувлар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, биометрик ҳамда морфометрик маълумотларни статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация амалий натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг нуфузли давлат ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сангзордарёси соҳилини турли сув экотизимларида тарқалган икки паллали моллюскалар (*Bivalvia*: *Unionidae*, *Euglisidae*, *Pisididae* ва *Corbiculidae*) турлар таркибининг аниқланганлиги, сув экотизимларида тарқалиш хусусиятларини очиб берилганлиги, популяция ва организм кўрсаткичларига абиотик ҳамда антропоген омиллар таъсирининг баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти икки паллали моллюскалар орқали турли даражада органик ифлосланган сув ҳавзаларининг санитар-гигиеник ҳолатини баҳолаш ва иккипаллали моллюскаларнинг камёб, Қизил китобга киритилган турларини муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сангзордарё соҳили сув

хавзаларида икки паллали моллюскаларнинг тарқалиши ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сангзор дарёси соҳили худудида тарқалган эндем ва ноёб тур сифатида Қизил китобга киритилган *Colletopterum bactrianum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Corbicula cor*, *Corbicula fluminalis*, *Corbicula purpurea* лар популяцияларининг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Жиззах вилояти Ғаллаорол ва Жиззах туман бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 5 февралдаги 04-02/8-215-сон маълумотномаси). Натижада, локал худудларда жойлашган турли сув хавзалари режимларини мавсумий бошқариш орқали ноёб турлар тарқалган биотопларни муҳофаза қилиш ва йўқолиш хавфи остида бўлган популяцияларини сақлаб қолиш имконини берган;

иккипаллали моллюскаларнинг сапроблиги асосида чучук сув хавзаларининг тозалик даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар №И-ОТ-2019-21 “Товар балиқ чавақларини етиштиришда табиий озуқа базаси-планктон организмларди етиштириш усулари ва амалий аҳамияти” мавзусидаги лойиҳада интенсив товар балиқ чавақларини етиштирилувчи хавзаларнинг органик ифлосланиш даражасини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 89-03-1085-сон маълумотномаси). Натижада, товар балиқ чавақлари учун табиий озуқа базаси бўлган планктон организмлари етиштирилувчи хавзаларнинг сапроблик даражасини тезкор аниқлаш ва сувнинг гигиеник сифатини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён

этилган.

Диссертациянинг “Сангзор дарёси соҳилида иккипаллали моллюскаларнинг ўрганилиши, материал ва ўрганиш услублари” деб номланган биринчи бобида, Сангзордарё соҳили сув ҳазалари, хорижда ва республикада иккипаллали моллюскаларнинг ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, диссертацияда қўлланилган тадқиқот усуллари баён қилинган.

Сангзор дарёси Туркистон тоғ тизмасидаги Гуралаш давони яқинида 3400 м га яқин баландликдаги булоқлардан бошланади ва Жиззах шаҳридан 70 км шимоли-ғарбда Қизилкум чўлининг жануби-шарқий чеккасидаги Тузкон кўлига қуйилади. Узунлиги 198 км, ҳавзанинг майдони 3220 км².

Тадқиқотлар учун 2014-2021 йилларнинг баҳор, ёз ва куз фасилларида Сангзор дарёси соҳили сув экотизимларидан материаллар йиғилди; дарёлар: Сангзор, Гуралаш ва Зомин; булоқ ва чашмалар: Жўлсой, Туюқсой, Ангирайсой, Қизилторисой, Кўлсой ва Қизилнурсой; сув омборлари: Жиззах, Зомин, Қоровултепа, Науки, Арнасой, Хужамушкент ва Тузконлардан материаллар йиғилди. Тадқиқотларда 1990-2021 йилларда терилган Самарқанд давлат университетининг Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедрасида сақланаётган коллекцион материалларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг “Сангзор дарёси соҳилида (*Bivalvia: Unionidae, Euglesidae, Pisididae* ва *Corbiculidae*) иккипаллали моллюскаларнинг биохилма-хиллиги, тарқалиши ва экологияси” деб номланган иккинчи бобида иккипаллали моллюскаларнинг хилма-хиллиги, турларининг тарқалиши ва экологик гуруҳлари бўйича таҳлил натижалари келтирилган.



Сангзор дарёси соҳилидаги дарёлар, булоқ ва чашмалар ва сув омборлари ларда *Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae* ва *Corbiculidae* оиласи турларини сув экотизимларида биохилма-хиллиги ва биотопларда тарқалиши, зичлигига абиотик, антропоген омиллар таъсири камёб ва эндем турлари биохилма-хиллигини сақлаш чарат-тадбирларини ўргандик. Натижада, ушбу дарёлар соҳили сув экотизимларида икки паллали моллюскаларнинг 4 оила ва 6 та уруғга тааллуқли, 17 тури ва 2 кенжа турининг яшаши аниқланди (1-жадвал). Қўйида уларнинг турлар таркиби келтирилган:

1-жадвал








Сангзор дарёси соҳили сув экотизимларида тарқалган иккипаллали моллюскаларнинг турлар таркиби.



№	Оила, уруғ, тур	Терилган жойи	Расми	Экологик гуруҳи
	<i>Bivalvia</i> Linne 1758 синфи ² <i>Unioniformes</i> Stoliczka, 1871 туркуми <i>Unionidae</i> Rafinesque, 1820 оиласи, <i>Sinanodonta</i> Modell, 1944 уруғи ⁴			

² Жадвалда келтирилган таксаномик системани тузишида З.И.Иззатуллаевнинг (2019) Ўрта Осиё майдонларининг сув моллюскалари ва А.В.Корнюшиннинг (1998) Палеарктика *Pisidioidea*лари системаси ишидан фойдаланилган.

1.	<i>Sinanodonta gibba</i> (Benson, 1895) ³	Сангзор дарёси, Жиззах, Зомин ва Қоровултепа сув омборлари		Пелореофил
2.	<i>Sinanodonta puerorum</i> (Heude, 1880) ⁴	Сангзор дарёси, Жиззах ва Қоровултепа сув омборлари		Пелореофил
3.	<i>Sinanodonta orbicularis</i> (Heude, 1880) ⁴	Сангзор дарёси, Жиззах, Зомин ва Қоровултепа сув омборлари		Пелореофил
<i>Colletopterum Bourguignat, 1882</i> уруғи, <i>Colletopterum</i> s.str. кенжа уруғи				
4.	<i>Colletopterum bactrianum</i> (Rolle, 1897)	Сангзор дарёси Жиззах ва Қоровултепа сув омборларидан терилган		Реофил
<i>Ponderosiana Bourgiugnat, 1883</i> кенжа уруғи				
5.	<i>Colletopterum cyreum sogdianum</i> (Kobielt, 1896)	Сангзор дарёси, Зомин ва Қоровултепа сув омборлари		Реофил
6.	<i>Colletopterum ponderosum volgense</i> (Shadin, 1938)	Сангзор дарёси, Жиззах сув омборлари		Пелолимнофил
<i>Euglesidae Pirogov, Starobogatov, 1972</i> оиласи <i>Euglesa</i> Leach in Jenyns, 1831 (in suni) Leach ,1855 (gen. valid.) уруғи				
7.	<i>Euglesa hissarica</i> (Izzatullaev ., Starobagatov, 1985) ⁴	Қамишлисой, Эгизбулоқсой, Ангренсой ва Қулсой		Пелолимнофил
8.	<i>Euglesa turkestanica</i> (Izzatullaev, 1974) ⁴	Қамишлисой, Жўлсой, Қулсой ва Қизилнурсой		Пелолимнофил

³Сангзор дарёси ҳавзаси сув экотизимлари фаунаси янги уруғ ва турлари.

9.	<i>Euglesa obliquata</i> (Clessin in Martens, 1874) ⁴	Жўлсой, Кулсой ва Қизилнурсой		Пелолимнофил
<i>Pseudeupera</i> Germain, 1913 уруғи				
10.	<i>Euglesa turanica</i> Clessin in Martens, 1874)	Жўлсой, Туяқсой, Ангреной, Кулсой		Пелолимнофил
<i>Luciniformes</i> Stoliczka, 1870 туркуми, <i>Pisididae</i> Gray in Turton, 1854 оиласи <i>Kuiperipisidium</i> Kuiper, 1961 уруғи, <i>Kuiperipisidium</i> Izzatullaev, Starobogatov, 1996 кенжа уруғи				
11.	<i>Kuiperipisidium terekense</i> (Kazannikov in Izzatullaev., Starobogatov, 1985) ⁴	Қамишлисой, Эгизбулоқсой, Туяқсой, Кулсой		Кренофил
12.	<i>Kuiperipisidium issykkulense</i> (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)	Қамишлисой, Жўлсой, Туяқсой, Анграйсой, Кулсой		Кренофил
13.	<i>Kuiperipisidium sogdianum</i> (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)	Эгизбулоқсой, Туяқсой, Анграйсой, Кулсой		Кренофил
<i>Kuiperipisidium</i> s.str кенжа уруғи				
14.	<i>Kuiperipisidium behningi</i> (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)	Эгизбулоқсой, Жўлсой, Анграйсой, Қизилнурсой		Кренофил
<i>Cardiiformes</i> Ferussac, 1820 туркуми <i>Corbiculidae</i> Gray, 1847 оиласи <i>Corbicula</i> Meqerle, 1812, уруғи				
15.	<i>Corbicula cor</i> (Lamarck, 1818)	Сангзор дарёси ўрта оқими, Жиззах сув омбори		Пелореофил

16.	<i>Corbicula fluminalis</i> (O.F. Müller, 1774)	Сангзор дарёси қуйи оқими, Қоровултепа сув омборлари		Пелореофил
17.	<i>Corbicula purpurea</i> (Prime, 1864)	Сангзор дарёси ўрта оқими, Қоровултепа сув омборлари		Пелореофил
<i>Corbiculina</i> Dall, 1903 уруғи				
18.	<i>Corbiculina tibetensis</i> (Prashad, 1929)	Сангзор дарёси ўрта ва қуйи оқими		Пелореофил
19.	<i>Corbiculina ferghanensis</i> (Kursalova et Starobogatov, 1971)	Сангзор дарёси қуйи оқими, Жиззах сув омборлари		Пелореофил

Unionidae, *Euglesidae*, *Pisididae* ва *Corbiculidae* оилаларининг турларида борадиган ўзгарувчанлик жараёнларининг ўрганиш натижасида конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги чиганоқ шакли, ранги қалинлиги, ўлчамларида намоён бўлиб, сув экотизимларида чиганоқнинг барча белгиларининг ўзгарувчанлиги, яшаш жойига боғлиқ эканлиги аниқланди. Абиотик омиллар таъсирида икки паллали моллюскалар чиганоқларидаги морфологик ўзгарувчанлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Сангзордарёси соҳили сув экотизимларида *Bivalvia: Unionidae, Euglesidae, Pisididae* ва *Corbiculidae* иккипаллали моллюскаларнинг хилма-хиллиги ва тарқалишига абиотик омилларнинг таъсири” деб номланган учунчи бобида икки паллали моллюскаларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг биотопларда тарқалиши ҳамда зичлигига сувнинг ҳарорати, тиниқлиги ҳамда оқим тезлигининг таъсири ёритиб берилган.

Unionidae, *Corbiculidae*, *Pisididae* ва *Euglesidae* оиласига мансуб турлар март-апрел ойларида сув экотизимларда сув температурасининг кутарилиши билан босқичма-босқич купаяди. Сангзор дарёси сув экотизимларида *Unionidae* оиласида *Colletopterum cyreum sogdianum* ва *Corbiculidae* оиласида *Corbiculina ferghanensis*нинг кўпайиши табиий шароитда ўрганилиб, унинг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 14⁰С-22⁰С оралиғида бўлиши аниқланди.

Сангзор дарёси соҳили дарёларида тадқиқотларимиз наижасида Сангзор дарёсида 12 тур ва 2 кенжа тур, Зоминсув дарёсида 7 тур ва Ғуралошсойда 4 тур тарқалганлигини аниқланди. Сангзор дарёси иккипаллали моллюскалари фаунасининг биологик хилма-хиллигига Зарафшон дарёси сувининг Туятортар канали орқали Сангзор дарёсига кўйилиши ўз таъсирини кўрсатган. *Unionidae* оиласидан *Sinanodonta*, *Colletopterum* уруғлари, *Corbiculidae* оиласидан *Corbicula* ва *Corbiculina* уруғлари турларининг сув ва балиқлар билан Сангзор дарёси сув экотизимларига ўтганлигини аниқланди.

Абиотик ва антропоген омиллар таъсирида икки паллали моллюскалар чиғаноқларидаги морфологик ўзгарувчанлиги аниқланди. Дарё сув муҳитида икки паллали моллюскалар чиғаноқлари барча белгиларининг ўзгарувчанлиги, яшаш жойига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Сангзор дарёси соҳили булоқ ва чашмаларида тадқиқотлар натижасида кўйдаги хулосаларга келинди: Қамишсойда 4 тур, Эгизбулоқсой 5 тур, Жўлсойда 8 тур, Туюқсой ва Ангирайсойда 6 тур, Кўлсойда 7 тур ва Қизилнурисойда 3 тур тарқалган бўлиб, бу турлар худуд булоқ ва чашмаларидан биринчи марта кўрсатилди. Зомин тоғ арча қўриқхонаси худудидан оқиб ўтувчи Туюқсой, Жўлсой, Ангирсой, Кўлсой ва Қизилнурисойда иккипаллали моллюскалар турлар сони ва зичлиги кўплиги билан ажралиб туради.

Сангзор дарёси соҳилидаги Жиззах сув омборида 9 тур ва 2 кенжа тур, Зоминда 8 тур ва 1 кенжа тур, Қоравултепада 11 тур ва 2 кенжа тур, Хужамушкентда 4 тур тарқалган. Сув омборлари иккипаллали моллюскалар учун ўзига хос муҳит бўлиб, бундай сув ҳавзаларида энг кўп тарқалган уруф вакилларида *Sinanodonta*, *Corbicula* ва *Corbiculina* ларни келтириш мумкин.

Икки паллали моллюскалар фаунасининг хилма-хиллиги ва тарқалишига сувнинг абиотик омиллари катта таъсир кўрсатади. Сув хароратининг қулайлиги, сув тиниқлигининг юқори бўлиши ва унинг минаралланиш даражаси нисбатан пастлиги худудда *Unionidae* ва *Corbiculidae* турлар сонининг нисбатан кўпроқ (11 тур) ва зичлигининг катта бўлишига олиб келган. Сангзор дарёсининг ўрта оқими Ғаллаорол яқинида Сангзор қишлоғи ва унга яқин бўлган худудларда сув ҳарорати 18-22⁰С, тиниқлиги 0,35-0,40 м, оқим тезлиги 0,55-0,60 м/сек ва минаралланиш даражаси 724-822 мг/л. бўлган жойларда 1м²да *Unionidae* оиласи *Sinanodonta* уруғи *Sinanodonta gibba* 0,9, *S. orbicularis* 1,1, *S. puerorum* 1,3 тадан тарқалишини кўрсатди (2-жадвал).

Бу моллюскалар Шарқий Осиё (Япония, Хиндихитой) учун характерли *Sinanodonta s.str* кенжа уруғи вакиллари ҳисобланади. Улар худуд сув экотизимларига хитой комплекс балиқларини (хумбош, оқ амур кабилар) иқлимлаштириш натижасида моллюскаларнинг личинкалари - глоходиялари билан биргаликда барча дарё ҳавзаларига (канал, сув омбори, балиқчилик хўжаликлари) тарқалган. *Collepteron* уруғи *Collepteron bactrianum* 0,8, *C. cyreum sogdianum* 1,2, *C. ponderosum volgense* 0,9 тадан тарқалганлиги аниқланди. Ушбу турлар асосан лойли биотопларда учрайди, аксинча тошлоқ ва қумлоқ биотопларда учрамади. Экологик гуруҳлари пелореофил ва реофиллар эканлиги аниқланди.

Худудда *Euglesidae* ва *Pisididae* оиласи турлари учрамади, уларнинг тарқалишига сув ҳарорати, тиниқлиги ва минаралланиш даражалари чекловчи омиллар сифатида таъсир кўсатган бўлиши мумкин. Ғаллаорол худуди Сангзор қишлоғи яқинидаги сув экотизимларида *Corbiculidae* оиласи кирувчи турлар 1 м² жойда *Corbicula cor* 1,1, *C. fluminalis* 1,6, *C. purpurea* 1,3, *Corbiculina tibetensis* 3,9, *C. ferghanensis* 3,2 тадан учрайди.

Сангзор дарёсининг куйи оқими Жиззах шаҳридан кийинги худудларида секин оқар қисмларида *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласи мансуб бўлган

иккипаллали моллюскаларнинг 7 тури тарқалган. Сангзор дарёсининг қуйи оқимида сув тиниқлиги сезиларли даражада пасаяди, сув минераллашуви ўртача 882-942 мг/л га (макс. 1000-1082 мг/л) ошган. Бу дарёнинг қуйи қисмида иккипаллали моллюскалар турларининг камайишига (7 тур) сабаб бўлган. Бундан тошқари сувда органик моддалар миқдори ҳам ортиб бориши кузатилди. Дарёнинг Жиззах шахридан ўтгандан кийинги хулдларида сув минералланиш миқдорининг ошиб бориши дарёга келиб қуйиладиган кўплаб катта-кичик каналлар ва коллектор-зовурларнинг сувига боғлиқ. Масалан, Сангзор дарёсига келиб қуйиладиган коллекторлар сувида 2019 йил да ўртача минералланиш миқдори 680-723 (макс. 962) мг/л, 2020 йилда ўртача минералланиш миқдори 690-760 (макс. 1082) мг/л ташкил этган. Буларнинг барчаси дарёнинг ўрта ва қуйи қисмларида минералланиш миқдорининг ошишига олиб келади ва моллюскалар тарқалиши ва зичлигига тасири кўрсатади.

Ушбу ҳудудда сув харорати 19-24⁰С, сув тиниқлиги 0,5-0,25 м, оқим тезлиги 0,25-0,36 м/сек. ва минералланиш даражаси 884-1016 мг/л. бўлган жойларида турларнинг 1м² даги ўртача зичлиги *Unionidae* оиласи *Sinanodonta* уруғидан *Sinanodonta gibba* 0,6, *S. orbicularis* 0,8, *S. puerorum* 0,9, *Colletopterum* уруғидан *Colletopterum ponderosum volgense* 0,4, *Corbiculidae* оиласи *Corbicula* уруғидан *Corbicula fluminalis* 0,5, *Corbiculina* уруғидан *Corbiculina tibetensis* 2,1, *C.ferghanensis* 1,9 тадан бўлади. Ҳудуддаги тошлоқ биотопларда 1 та, қумлоқларда 3 та ва лойларда 5 турлар тарқалган.

Сангзор дарёси ўрта ва қуйи оқими сувлари физик кўрсаткичларининг *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласи икки паллали моллюскаларнинг зичлиги, биотопларда тарқалишига таъсири (n=10, м²/дона)

№	Турлар	Сангзор дарёси ўрта оқими. Сувнинг физик кўрсаткичлари: сув ҳарорати 18-22 ⁰ С, тиниқлиги 0,35- 0,40 м, оқим тезлиги 0,55-0,60 м/сек, минералланиши 724-822 мг/л				Сангзор дарёси қуйи оқими. Сувнинг физик кўрсаткичлари: ҳарорати 19- 24 ⁰ С, тиниқлиги 0,5-0,25 м, оқим тезлиги 0,25-0,36 м/сек, минералланиши 884-1016 мг/л				Экологик гурӯҳлари
		ўрта оқимида зичлиги	Биотоплар			Қуйи оқимида зичлиги	Биотоплар			
			тошлок	қумлок	лойлар		Тошлок	қумлок	лойлар	
<i>Unionidae</i> оиласи, <i>Sinanodonta</i> уруғи										
1.	<i>Sinanodonta orbicularis</i>	0,9±0,2	-	-	+	0,6±0,1	-	-	+	пелореофил
2.	<i>Sinanodonta gibba</i>	1,1±0,2	-	-	+	0,8±0,2	-	-	+	пелореофил
3.	<i>Sinanodonta puerorum</i>	1,3±0,3	-	-	+	0,9±0,2	-	-	+	пелореофил
<i>Colleopterum</i> уруғи										
4.	<i>Colleopterum bactrianum</i>	0,8±0,1	-	-	+	-	-	-	-	реофил
5.	<i>Colleopterum cyreum sogdianum</i>	1,2±0,1	-	-	+	-	-	-	-	реофил
6.	<i>Colleopterum ponderosum volgense</i>	0,9±0,3	-	-	+	0,4±0,1	-	-	+	пелолимнофил
<i>Corbiculidae</i> оиласи, <i>Corbiculidae</i> уруғи										
7.	<i>Corbicula cor</i>	1,1±0,9	-	+	-	-	-	-	-	пелореофил
8.	<i>Corbicula purpurea</i>	1,6±0,3	+	+	-	-	-	-	-	пелореофил
9.	<i>Corbicula fluminalis</i>	1,3±0,6	-	+	-	0,5±0,1	-	+	-	пелореофил
<i>Corbiculina</i> уруғи										
10.	<i>Corbiculina tibetensis</i>	3,9±0,3	-	+	+	2,1±0,2	-	+	+	пелореофил
11.	<i>Corbiculina ferghanensis</i>	3,2±0,6	+	+	-	1,9±0,4	+	+	-	пелореофил
Жами турлар:		11	2	5	7	7	1	3	5	

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сувнинг тиниқлик даражаси иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Тиниқликнинг пасайиши, айниқса, *Sinanodonta gibba*, *S. orbicularis*, *S. puerorum*, *Colletopterum bactrianum*, *C. cyreum sogdianum*, *C. ponderosum volgense* турларининг биотопларда тарқалиши, зичлиги, чиғаноқларининг ўзгарувчанлигига ва моллюскалар масса оғирлигига таъсир кўрсатади. Сангзор дарёси қуйи оқимида Жиззах шаҳридан ўтгандан кийинги ҳудудида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган *Colletopterum bactrianum*, *C. cyreum sogdianum*, *Corbicula cor*, *C. fluminalis*, *C. purpurea* турлари топилмади. Бизнингча, ушбу ҳудуддаги сув тиниқлигининг пастлиги ва минералланиш даражасининг юқорилиги чекловчи факторлар сифатида таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.



Сангзор дарёси ўрта оқимида Ғаллаорол ҳудудида сувнинг ҳарорати, тиниқлиги, оқим тезлиги ва минералланиш даражасининг *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласи турлари тарқалиши ва экологик гуруҳларининг ҳосил бўлишига оптимум эканлиги турлар сонининг (11 тур) кўплигига ва дарёнинг қуйи оқимида Жиззах шаҳридан ўтгандан кийинги ҳудудида тиниқликнинг пастлиги ва минералланиш даражасининг РЭМ дан юқорилиги эса аксинча турла сонининг ва зичлигининг кам бўлишига олиб келган деб хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг “**Сангзор дарёси соҳили сув экотизимларида *Bivalvia: Unionidae, Euglisidae, Pisididae* ва *Corbiculidae* иккипаллали моллюскаларнинг ҳолатига антропоген омиллар таъсири**” деб номланган тўртинчи бобида иккипаллали моллюскалар турлар таркиби ва тарқалишига антропоген омилларнинг таъсири ҳамда моллюскалар камёб турларини муҳофаза қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Сангзор дарёси ҳавзасида катта миқдорда суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, ана шу ерларнинг асосий қисми Сангзор дарёси сув билан суғорилади ва суғоришдан кейинги оқова сувлари ҳам дарёга қайтиб тушади. Юқори ва ўрта Сангзор ҳудудида оқова сувларнинг ҳавзадан четга олиб чиқиб кетадиган коллектор тизими йўқ. Шу сабабдан, турли хил чиқинди сувлар дарёга тушади. Бу эса сувнинг сифатини кескин ёмонлошувига олиб келади. Тадқиқотларда Сангзор дарёси сувининг гидрохимёвий кўрсаткичларини моллюскалар популяцияларида ёши ва зичлигига таъсир қилиши аниқланди (1 -расм).

“Қизил китоб”га киритилган *Unionidae* ва *Corbiculidae* оилалари иккипаллали моллюскалар популяцияларда ёши ва зичлигига сув гидрохимёвий кўрсаткичларининг таъсири таҳлил қилинганда Ўрта оқим Ғаллаорол (Сангзор қ.) ҳудуди популяцияси ўсувчи популяция ва Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) ҳудуди популяциясилари камайувчи популяция эканлиги аниқланди (3-жадвал).

Сангзор дарёсининг юқори қисмида дарёнинг минералланиш даражаси 250-320 мг/л бўлиб, у қуйи томонга кўпайиб боради. Бу миқдор ўрта оқим Ғаллаорол ҳудудида 650-884 мг/л, қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач 822-1014 мг/л. гача кўтарилади.



а

б

— Ўрта оқим Ғаллаорол ҳудуди O₂ 4,9 м/г; Cl 268 м/г; Минералланиши 884 м/г

— Қуйи оқим Жиззах шаҳри ўтгач O₂ 5,7 м/г; Cl 299 м/г; Минералланиши 1014 м/г

1-расм. *Colletopterum bactrianum* (а) ва *Colletopterum cyreum sogdianum* (б) популяциялардаги индивидларнинг ёши ва зичлигига сув гидрокимёвий кўрсаткичларининг таъсири

Сангзор дарёси хвзасида аҳоли сонининг кўпайиши ердан интенсив фойдаланиш кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатилиши, шаҳарлар ва қишлоқларнинг йириклашиши, турли корхоналарнинг кўпайиши дарёнинг сув сифатига кучли таъсир кўрсатмоқда.

3-жадвал

Сангзор дарёсида тарқалган “Қизил китоб”га киритилган *Unionidae* ва *Corbiculidae* оилалари иккипаллали моллюскалар популяцияларидаги индивидларнинг ёши ва зичлигига сув гидрокимёвий кўрсаткичларининг таъсири (м²/дона, n=10)

№	Турлар	Ўрта оқим Ғаллаорол (Сангзор қ.) ҳудуди популяцияси. O ₂ 4,9±1,6 м/г (РЭМ К-4 Ё6), Cl ₂ 268±41 м/г (300), минералланиши 884±62 м/г (1000)				Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) ҳудуди популяцияси. O ₂ 5,7±0,9 м/г (РЭМ К-4 Ё6), 299±26 Cl ₂ м/г (300), минералланиши 1014±43 м/г (1000)			
		2-3	4-5	6-7	8-9	2-3	4-5	6-7	8-9
1.	<i>Colletopterum bactrianum</i>	0,9±0,1	0,7±0,2	0,6±0,2	0,5±0,1	0,3±0,1	0,4±0,1	0,5±0,2	0,4±0,2
2.	<i>Colletopterum cyreum sogdianum</i>	1,2±0,3	0,9±0,1	0,4±0,1	0,3±0,1	0,3±0,1	0,6±0,1	0,9±0,2	0,8±0,1
3.	<i>Corbicula cor</i>	1,1±0,1	0,8±0,2	-	-	0,5±0,2	0,9±0,1	-	-
4.	<i>Corbicula purpurea</i>	1,6±0,3	0,6±0,1	-	-	1,1±0,1	1,6±0,2	-	-
5.	<i>Corbicula fluminalis</i>	1,3±0,2	0,9±0,2	-	-	0,9±0,1	1,4±0,3	-	-

Тадқиқот давомида Сангзор дарёси соҳили сув сифати кўрсаткисларининг иккипаллали моллюскалардан *Sinanodonta gibba* ва *Corbiculina ferghanensis* лар массаси, чиғаноғи ўлчами кўрсаткичларига таъсири ўрганилди (4-жадвал).

Сангзордарё соҳили сув мухити омилларининг икки паллали моллюскалар оғирлиги ва чиғаноқлари ўзгарувчанлигига таъсири (n=10, м²/дона)

Кўрсаткичлар	Ўрта оқим Ғаллаорол (Сангзор қ.) худуди популяцияси. О ₂ 4,9±1,6 м/г (РЭМ К-4 Ё6), нефт ва нефт маҳсулотлари 0,04±0,02 мг/л (0,05), минералланиши 884±62 м/г (1000)	Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) худуди популяцияси. О ₂ 5,7±0,9 м/г (РЭМ К-4 Ё6), нефт ва нефт маҳсулотлари 0,06±0,01 мг/л (0,05), минералланиши 1014±43 м/г (1000)
<i>Sinanodonta gibba</i>		
Моллюскалар оғирлиги, г	380±9,4	312±8,9
Чиғаноқ уздлиги, мм	146±3,1	131±3,1
Чиғаноқ баландлиги, мм	68±2,1	54±2,1
Чиғаноқ қабариклиги, мм	74±2,6	65±2,2
<i>Corbiculina ferghanensis</i>		
Моллюскалар оғирлиги, г	3,1±0,6	2,4±0,3
Чиғаноқ уздлиги, мм	21,5±2,3	17,5±1,6
Чиғаноқ баландлиги, мм	18±2,4	14,9±1,3
Чиғаноқ қабариклиги, мм	12±1,1	9,4±1,0

Ўрта оқим Ғаллаорол худудида (Сангзор қ.) ва қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтгач (Хайробод қ.) худудларида таҳлил қилинди. Ўрта оқим Ғаллаорол худудида О₂ миқдори 4,9±1,1 мг/л, нефт ва нефт маҳсулотлари 0,04±0,02 мг/л, минералланиш даражаси 884±62 мг/л. бўлганда 5 ёшли *Sinanodonta gibba* турининг оғирлиги 380 грамм, чиғаноқ узунлиги 146±3,1, чиғаноқ баландлиги 68±2,1, чиғаноқ қабариклиги 74±2,6 ни; *Corbiculina ferghanensis* нинг оғирлиги 3,1 грам, чиғаноқ уздлиги 21,5±2,3, чиғаноқ баландлиги 18±2,4, чиғаноқ қабариклиги 12±1,1 ни ташкил этиши аниқланди. Ушбу худуд дарёнинг ўрта қисмида жойлашганлиги сабабли сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари РЭМ дан ошмаган. Дарёнинг қуйи қисмида жойлашган Хайробод қишлоғи яқинидаги сув таркибида О₂ миқдори 5,7±1,0 мг/л. бўлиб бу миқдорнинг ўрта оқимда кўплиги қуй оқимда сув ўтларининг кўплиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, будан ташқари қуйи оқимда нефт ва нефт маҳсулотлари 0,06±0,01 мг/л, минералланиш даражаси 1014±42 мг/л, бўлганда 5 ёшли *Sinanodonta gibba* турининг оғирлиги 312 грамм, чиғаноқ уздлиги 131±3,1, чиғаноқ баландлиги 57±2,1, чиғаноқ қабариклиги 65±2,2 ни, *Corbiculina ferghanensis* турининг оғирлиги 2,4 грам, чиғаноқ уздлиги 17,5±1,6, чиғаноқ баландлиги 14,9±1,3, чиғаноқ қабариклиги 9,4±1,0 ни ташкил этади. Бу худудда сувларнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари РЭМ юқорилигини кўрсатди.

Сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари нефт ва нефт маҳсулотлари, минералланиш даражаси РЭМ дан юқори бўлмаган ва сув ҳарорати, оқим тезлиги, тиниклиги икки паллали моллюскалар учун қулай бўлган ўрта оқим Ғаллаорол худудида (Сангзор қ.) яқинида моллюскаларнинг оғирлиги, чиғаноғининг узунлиги, баландлиги ва қабариклиги ўсиши юқори эканлиги аниқланди. Қуйи оқими Жиззах шаҳридан ўтга (Хайробод қ.) қисмида сувда

нефт ва нефт махсулотлари, минералланиш даражаси РЭМ дан юқори бўлганлиги ифлосланганлиги сув муҳити омилларининг икки паллали моллюскалар оғирлиги, чиғаноғининг узунлиги, баландлиги ва қабариклиги ўсиши чиғаноқларининг ўсишига маълум миқдорда чекловчи омил сифатида таъсир кўрсатиб чиғаноқларининг ўлчамлари кичик эканлиги кузатилди.

Сангзор дарёси сув ҳавзаларида ^{226}Ra , ^{232}Th ва ^{40}K элементларнинг сув ости лойларида, сувларда, моллюска чиғаноғи таркибида учраши ва таъсири тахлил қилинди. Ўрганилган канал ва балиқчилик хўжаликларида табиий ^{40}K , ^{226}Ra , ^{232}Th радионуклидларнинг энг катта миқдори сув ости лойларида кузатилди. Бунда сув ости лойларида ^{40}K нинг миқдори 288-527 Бк/кг, ^{232}Th 36-46 Бк/кг ва ^{226}Ra 26-31 Бк/кг ни ташкил этди.

Икки паллали моллюскаларнинг сувнинг сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Сангзор дарёси ҳавзасида булоқ ва чашмаларда моллюскаларнинг тоза сувларда яшовчи катаробли, чашма ва булоқлардан оқиб чиқувчи ариқларда катаробли ва олигасапробли тоза ва ўртача ифлос дарёлар ва сув омборларда: ўртача ифлос олигасапробли, ифлосланган – мезасапробли, фақат сув омборида 2 та α - β ва 0- α - β мезасапробли ифлос сувларда яшовчи турлар тарқалганлиги аниқланди. Сангзор дарёсида β -мезасапроб турларни аксариятини ноёб ва камёб турлар жумласига тўғри келиши, уларни ифлос сувларда яшай олмасликлари ва бу омил уларни тарқалишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Бундай турлар тарқалган сувларнинг ифлосланиш даражасига кўра III (ўртача ифлосланган) гуруҳга киритиш мумкин. Қолган β - α -мезасапроб турларнинг сапроблик зонасида яшаш имкониятлари юқори бўлиб, сув ҳавзаларида улардан, айниқса, *Sinanodonta gibba*, *Corbiculina ferghanensis* ва *Corbiculina tibetensis* ларнинг учраши сув ҳавзаларининг III ва IV (ифлосланган) гуруҳига киришини такидлаш мумкин. Иккипаллали моллюскаларнинг сапроблиги асосидаги уларнинг индикаторлик хусусиятлари сув ҳавзаларини сифатини баҳолаш ва органик ифлосланишини назорат қилиш учун тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

“Сангзор дарёси иккипаллали моллюскалари биохилма-хиллигига абиотик ва антропоген омиллар таъсири” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сангзор дарёси соҳилидаги Сангзор дарёсида иккипаллали моллюскаларнинг 12 тур ва 2 кенжа тури, Зоминсув дарёсида 7 тури ва Ғуралошсойда 4 тур тарқалган. Сангзор дарёси иккипаллали моллюскалари фаунасининг бойлигига Зарафшон дарёси сувининг Туятортар канали орқали Сангзор дарёсига кўйилиши ўз таъсирини кўрсатган.

2. Сангзор дарёси соҳили булоқ ва чашмаларида иккипаллали моллюскаларнинг 8 та тури тарқалган бўлиб, Зомин тоғ арча кўриқхонаси худудидан оқиб ўтувчи Туюқсой, Жўлсой, Ангиройсой, Кўлсой ва Қизилнурисойда иккипаллали моллюскалар турлар сони ва зичлиги билан ажралиб туради. Булоқ ва чашмалар сув экотизимларида Unionidae ва Corbiculidae оиласига мансуб турлар учрамайди.

3. Жиззах сув омборида иккипаллали моллюскаларнинг 9 тури ва 2 кенжа тури, Зоминда 8 тури ва 1 кенжа тури, Қоравултепада 11 тури ва 2 кенжа тури, Хужамушкентда 4 тури мавжуд ҳамда уларда энг кўп тарқалган уруф вакилларидан *Sinanodonta*, *Corbicula* ва *Corbiculina* ларни келтириш мумкин.

4. Сангзордарё куйи оқимидаги сувнинг ноқулай гидрокимёвий кўрсаткичлари икки паллали моллюскаларнинг оғирлиги, чиғаноғининг узунлиги, баландлиги ва қабариклиги, ўсишига чекловчи омил сифатида таъсир кўрсатиб, ушбу ҳудудда тарқалган “Қизил китоб”га киритилган турлар популяцияларининг ҳам инқирозини таъминлайди.

5. Сангзордарё соҳилида шағал ва кумларни қазиб олиниши, дарёлар мавсумий гидрологик режимининг бузилиши эндем ва ноёб тур бўлган *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Colletopterum bactrianum* ва *Corbicula cor*, *Corbicula fluminalis*, *Corbicula purpurea* лар популяцияларини қисқаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

6. Сангзор дарёси соҳилида оқ амур, хумбош каби балиқ турларини иқлимлаштириш натижасида сув экотизимларида *Unionidae* оиласи *Sinanodonta* уруғидан *Sinanodonta gibba*, *Sinanodonta orbicularis*, *Sinanodonta puerorum*, *Colletopterum* уруғидан *Colletopterum bactrianum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Colletopterum ponderosum volgense* ларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

7. *Unionidae*, *Euglesidae*, *Pisididae* ва *Corbiculidae* оилаларининг турлари конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги яшаш жойига боғлиқ ҳолда улар чиғаноғининг шакли, ранги, қалинлиги ва ўлчамларида намоён бўлади.

8. Сангзор дарёси ҳавзасида булоқ ва чашмаларда моллюскаларнинг тоза сувларда яшовчи катаробли, чашма ва булоқлардан оқиб чикувчи ариқларда катаробли ва олигасапробли тоза ва ўртача ифлос дарёлар сув омборлари ва каналларда: ўртача ифлос олигасапробли, ифлосланган – мезасапробли, фақат сув омбори ва каналларда α - β ва 0- α - β мезасапробли ифлос сувларда яшовчи турлар тарқалган бўлиб, улар сув хавзаларини органик ифлосланишини аниқш учун тавсия этилади.

9. Моллюскалар таркибидаги табиий радионуклидлар миқдори сувга нисбатан сув лойлари таркибидаги табиий радионуклидлар миқдорининг ўзгариши билан ўзаро алоқадор бўлиб, бу моллюскаларда радионуклидларнинг тўпланишида субстрат ўрнининг катта аҳамиятга эга эканлигини англатади. Бунда сув ости лойлари/моллюска чиғаноқлари таркибидаги радионуклидлар нисбати $^{226}\text{Ra} \approx 26\text{-}31/5\text{-}6$, $^{232}\text{Th} \approx 36\text{-}46/5\text{-}7$ ва $^{40}\text{K} \approx 288\text{-}527/6\text{-}7$ тенг бўлиб, бу нисбатлар табиий сув хавзалари радиактивлигини аниқлашга тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/27.02.2020. В.01.15 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

САМРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОБОМУРОДОВ ЗОКИР АБДУКАХХАРОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ АБИОТИЧЕСКИХ И АНТРОПОГЕННЫХ ФАКТОРОВ НА
БИОРАЗНООБРАЗИЕ ДВУХСТВОРЧАТЫХ МОЛЮСКОВ РЕКИ
САНГЗАР**

03.00.10–Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована под номером № В2021.1.PhD/В 560 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете
Автореферат диссертации размещен на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице (www.jispi.uz) Научного совета и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич доктор биологических наук, профессор
Расмий оппонентлар:	Алимжанова Холисхон доктор биологических наук, профессор Махмуджонов Зафаржон Мурод ўгли доктор философии биологических наук
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Защита диссертация состоится «10» сентбрь 2022 года в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020. В.01.15 при Национальном университете Узбекистана Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Корпус экологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871-246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №95). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Тел.: (+99871-246-67-72).

Автореферат диссертации распространен «12» август 2022 года.
(Протокол реестра под номером 10 от «12» август 2022 года).

Рахимова Тура
И.о. председателя научного совета
по присуждению научной степени,
доктор биологических наук, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Секретарь научного совета по присуждению
научной степени, доктор биологических наук, доцент

Рахимова Ташханим Туймухамедовна
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Усиление засухи в мире приводит к сокращению биоразнообразия природных водоемов, а также к кризису водных экосистем. Особое значение имеют исторически сложившиеся малакофауны природных водоемов, где изменения их биотопов под влиянием антропогенных и техногенных факторов приводят к исчезновению или трансформации фауны редких видов моллюсков. По этой причине, выявление изменений численности малакофауны в антропогенной зоне влияния и сохранение видов, нуждающихся в охране приобретает важное значение.

Как представители макрозообентоса, подверженные абиотическим и антропогенным воздействиям в мире проводятся научные исследования видового состава моллюсков, оценке их распространения и участия в производстве.

В этом отношении, была проведена инвентаризация видов моллюсков в континентальных водных экосистемах, Создать международная база данных их учета, что живучесть исторически сложившихся видов двустворчатых моллюсков в крупных водоемах в засушливых регионах особенно зависит от изменений сезонного гидрологического режима и Определение физико-химических свойств изменение видового состава малакофауны, распространенной в незастойных водоемах, гибель большинства видов и расширение ареала новоприспособившихся инвазионных представителей, не характерных для данной местности, разработка рекомендаций по оцениванию современного состояния видов двустворчатых моллюсков в водных экосистемах, выявлению популяций сообществ склонных к кризису, внедрению экономически важных видов на практике уделяется особое внимание.

В настоящее время в нашей стране большое внимание уделяется охране животного мира и рациональному использованию его ресурсов. В этом отношении, в том числе, были определены видовой состав гидробионтов водоемов, оценены факторы, влияющие на их состояние, привлечены к производству продуктивные виды. В Стратегии развития Нового Узбекистана дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы¹ «... в 79-цели определена задача: предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения». Исходя из данных задач, в том числе, оценка влияния абиотических и антропогенных факторов на разнообразие двустворчатых моллюсков реки Сангзор, и разработка мероприятий по охране редких видов приобретает важное научно-практическое значение.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

совершенствованию системы охраны водных объектов» и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

